

# Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

## ШАРТНОМА № 17433

Тошкент ш.

2022 йил “27” 04

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У.Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “ORIGINAL PROJECT” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-00578-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Х.Ю. Рахмонов иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 25-апрелдаги 69385-сонли Etender.uzex.uz танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, “Ибрат” МФЙ ҳудудидаги 36-сонли мактабининг янги биносини қуриш” (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда) объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- геология хулосаси ва топохарита олиш;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хулосаларини олгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 434 700 000 (тўрт юз ўттиз тўрт миллион етти юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

### **3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳукуқи йўқлигини қафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Пудратчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Пудратчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

### **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган

топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## **5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ**

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ тўланмаган сумманинг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ ўз вақтида бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Неустойканинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## **9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор

қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA  
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING  
KOMPANIYA” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси, 16А-  
уй.

302021860262777098801075007



Директор в.б.


Р.У. Кучкаров

### БАЖАРУВЧИ

“ORIGINAL PROJECT” МЧЖ

Почта манзили:

Тошкент ш. Шайхонтохур туман,  
Себзор (Ғ.Ғулом) кўчаси 3-уй  
х/р: 2020 8000 8005 2076 6001  
«ДАВР-БАНК» ХАТБ, Навоий-  
Заркайнар кўча, «А» бино.  
.МФО: 00981  
СТИР: 303 504 556; ОКЭД: 00981



Директор

Х.Ю. Рахмонов

Handwritten signatures and initials in blue ink at the bottom left of the page.

“Тасдиқлайман”

Тошкент шаҳар ҳокимияти

“ЯБХ” ИК директори в.б.

Комиссия раиси

Р.У. Кучкаров



«27» 04 2022й.

Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, “Ибрат” МФЙ худудидаги 36-сонли мактабининг янги биносини куриш.”

объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг  
**БАЁНИ**

**Комиссия аъзолари:**

С. Сагдиев

-Бош муҳандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БХМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

Абдунабиев А.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

### КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, “Ибрат” МФЙ худудидаги 36-сонли мактабининг янги биносини куриш.” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 13 апрел куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 69385 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “ORIGINAL PROJECT” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш кунидан давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 25 апрелдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, "Ибрат" МФЙ ҳудудидаги 36-сонли мактабининг янги биносини қуриш.” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “ORIGINAL PROJECT” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

### Комиссия аъзолари.



С. Сағдиев




Ш. Қодиров



О. Хамидов



П. Абдусатторов



А. Абдунабиев





№	Объектлар номи ва мавзиси	Қўрилуши бошланиши ва ташкироти топилиши йили	Локация қилини	Объектнинг умумий қиймати (шарҳнома берилган ҳолатда) жумладан, буюртмачи, бондор, буюмлар, харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига янгидан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш билдири қилини жумладан, буюртмачи, бондор, буюмлар, харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига янгидан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш билдири қилини жумладан, буюртмачи, бондор, буюмлар, харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига янгидан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш билдири қилини жумладан, буюртмачи, бондор, буюмлар, харажатлари	2022 йил учун шартли қўйилган лишиги					2022 йилда фойдаланишга топширилган		Экспертиза ҳуқуқий равиши ва саниси	Тендер (таъкидлар) натижасига бундан баённома рамази ва саниси	Ташкилот номи		
								Жили капитал қўйилган	Жироз	Бюджетнинг бошқа зарражатлари	Жили	Жумладан, саваш харажатлари	Қувватлу длат	Асосий фонд суммаси					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
7	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, "Бог'жайлов" МФЙ ҳудудидagi 267-сонли МТТ биносини музавал ташкирлаш	2022й	Объект					152.175			152.175		Объект						Тендер
8	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Балокатий" МФЙ ҳудудидagi 64-сонли МТТ биносини музавал ташкирлаш	2022й	Объект					88.504			88.504		Объект						Тендер
9	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Балокатий" МФЙ ҳудудидagi 175-сонли мактаб биносини музавал ташкирлаш	2022й	Объект					268.000			268.000		Объект						Тендер
10	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Янги Қўйлик" МФЙ ҳудудидagi 183-сонли МТТ биносини музавал ташкирлаш	2022й	Объект					212.500			212.500		Объект						Тендер
11	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Янги Қўйлик" МФЙ ҳудудидagi 126-сонли МТТ биносини музавал ташкирлаш	2022й	Объект					212.500			212.500		Объект						Тендер
12	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Янги Қўйлик" МФЙ ҳудудидagi 125-сонли мактаб биносини музавал ташкирлаш	2022й	Объект					388.000			388.000		Объект						Тендер
13	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Янги Қўйлик" МФЙ ҳудудидagi 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биносини музавал ташкирлаш	2022й	Объект					239.008			239.008		Объект						Тендер
14	Тошкент шаҳар, Олмақор тумани, "Шон-Шухрат" МФЙ ҳудудидagi 299-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					230.008			230.008		Объект						Тендер
15	Тошкент шаҳар, Олмақор тумани, "Шон-Шухрат" МФЙ ҳудудидagi 15-сонли мактаб биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					199.000			199.000		Объект						Тендер

№	Құрылыс басынышы	Құрылыс басынышы	Объектінің ұқсастығы (сәуірден бастап)	01.01.22 й. холдингте іскен йылда ұтуучи объектінің мөбөдәш бөлімінде жұмсалган бөдөдәш бөлімінде жұмсалган	01.01.22 й. холдингте іскен йылда ұтуучи объектінің мөбөдәш бөлімінде жұмсалган бөдөдәш бөлімінде жұмсалган	2022 йылдағы капитал құбылмалар динамикасы				2022 йылдағы фондацияларға тошырылган				01.01.22 й. холдингте іскен йылда ұтуучи объектінің мөбөдәш бөлімінде жұмсалган бөдөдәш бөлімінде жұмсалган	01.01.22 й. холдингте іскен йылда ұтуучи объектінің мөбөдәш бөлімінде жұмсалган бөдөдәш бөлімінде жұмсалган	Экспортке қулабөдәш рақамы ың салыстырылган	Төлеулер (төлеулер) мәліметіне бүгінгі өзінісіне рақамы ың салыстырылган	Ташкент номи	
						Жаңа капитал құбылмалар	Күрделі - монтаж шығары	Жікөз	Шу жұмсалды	Күрделі - монтаж шығары	Жікөз	Жұмсалды, шығарылар	Бүдөдәш бөлімінде жұмсалды						Ассети фонд суммасы
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
16	Төшект шығар. Олмадор туманы, "Чүстий" МФЙ құрадығы 298-сонлы үлүмәтәдәлі мактаб бинәсіні муқамал тәмірләш	2022й	Объект					466,000			466,000		Объект						Төлеулер
17	Төшект шығар. Олмадор туманы, Чүстий МФЙда жойапшлы 108-сонлы ДМТТ ны реконструкция кылыш	2022й	Объект					212,500			212,500		Объект						Төлеулер
18	Төшект шығар. Сергәли туманы, "Негайрғон" МФЙ құрадығы 276-сонлы мактаб бинәсіні жерий тәмірләш	2022й	Объект					52,710			52,710		Объект						Төлеулер
19	Төшект шығар. Учтепа туманы, "Қуша Чоқон оти" МФЙ құрадығы 252-сонлы МТТ бинәсіні реконструкция кылыш	2022й	Объект					200,000			200,000		Объект						Төлеулер
20	Төшект шығар. Учтепа туманы, "Тинкәлибөдә" МФЙ құрадығы 386-сонлы МТТ бинәсіні реконструкция кылыш	2022й	Объект					137,014			137,014		Объект						Төлеулер
21	Төшект шығар. Учтепа туманы, "Тинкәлибөдә" МФЙ құрадығы 386-сонлы МТТ бинәсіні муқамал тәмірләш	2022й	Объект					141,512			141,512		Объект						Төлеулер
22	Төшект шығар. Учтепа туманы, "Тинкәлибөдә" МФЙ құрадығы 44-сонлы мактаб бинәсіні реконструкция кылыш	2022й	Объект					549,878			549,878		Объект						Төлеулер
23	Төшект шығар. Чиләкәтор туманы, "Кәлорго" МФЙ құрадығы 7-сонлы ДМТТ бинәсіні реконструкция бөдәш	2022й	Объект					110,750			110,750		Объект						Төлеулер
24	Төшект шығар. Чиләкәтор туманы, "Кәлорго" МФЙ құрадығы 289-сонлы ДМТТ бинәсіні муқамал тәмірләш	2022й	Объект					43,750			43,750		Объект						Төлеулер

№	Объектлар номи ва мақсади	Қўрилши бошланishi ва фойдаланиш топирилиши йили	Локация ва қилини	Объектнинг умумий қиймати (шарҳнома берилса)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объект қолдиқ қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш билан қиймати	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг моликлари ш қолдиқ қиймати	2022 йилда фойдаланишга топширилган							01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг моликлари ш қолдиқ қиймати	Экспертиса хулосаси расоми ва санаси	Тендер (тендерлар натижасига бўйича билинона расами ва санаси	Ташкилот номи			
								Жами капитал қўйилмалар	Жами капитал қўйилмалар		Қўрилму-лат	Асосий фонд суммаси	16	17					18	19	20
									Кўрилши - монтаж ишлари	Жилас											
1																					
25	Тошкент шаҳар, Чиланзор тумани, "Қапирғол" МФЙ қўрилмаданги 184-сонли мактаб билинони мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					100,200			100,200		Объект					Тендер			
26	Тошкент шаҳар, Чиланзор тумани, "Ўзбекистон" МФЙ қўрилмаданги 167-сонли ДМТТ билинони жерий таъмирлаш	2022й	Объект					51,000			51,000		Объект					Тендер			
27	Тошкент шаҳар, Чиланзор тумани, "Душанқор" МФЙ қўрилмаданги 232-сонли мактаб билинони мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					49,710			49,710		Объект					Тендер			
28	Тошкент шаҳар, Чиланзор тумани, "Ўзбекистон" МФЙ қўрилмаданги 37-сонли бунёдотчи мактаб билинони реконструкция қилиш	2022й	Объект					121,400			121,400		Объект					Тендер			
29	Тошкент шаҳар, Шайхонтоғур тумани, "Ўрал" МФЙ қўрилмаданги 37-сонли бунёдотчи мактаб билинони мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					163,777			163,777		Объект					Тендер			
30	Тошкент шаҳар, Шайхонтоғур тумани, "Ўрал" МФЙ қўрилмаданги 37-сонли МТТ билинони мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					95,380			95,380		Объект					Тендер			
31	Тошкент шаҳар, Юлдузбўла тумани, "Худайберг" МФЙ қўрилмаданги 532-сонли МТТ билинони реконструкция қилиш	2022й	Объект					195,514			195,514		Объект					Тендер			
32	Тошкент шаҳар, Яхшикор тумани, "Гулистон" МФЙ қўрилмаданги 160А-сонли мактаб билинони мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					56,500			56,500		Объект					Тендер			
33	Тошкент шаҳар, Яхшикор тумани, "Гулистон" МФЙ қўрилмаданги 103-сонли МТТ билинони реконструкция қилиш	2022й	Объект					69,850			69,850		Объект					Тендер			

№	Куралли бешариш ва фойдаланиш шартлари йили	Куралли бешариш ва фойдаланиш шартлари йили	Объектнинг умумий киймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмалар, бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ киймати (сайт) жумладан, буюртмалар, бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг моляблар билан қолдиқ киймати жумладан, буюртмалар, бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг моляблар билан қолдиқ киймати жумладан, буюртмалар, бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйилмалар дивиденти					2022 йилда фойдаланишга топширилган			01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг моляблар билан қолдиқ киймати жумладан, буюртмалар, бошқа харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг моляблар билан қолдиқ киймати жумладан, буюртмалар, бошқа харажатлари	Ташкилот номи		
							Жанг капитал қўйилмалари	Куралли - монтеж ишлари	Жалоз	Буюртмалар бошқа харажатлари	Жами	Жумладан, саноат харажатлари	Қувват/мулк дивиденти	Асосий фонд				Сўмалар	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
34	Тошкент шаҳар, Яқобсарой тумани, "Рақатбоши" МФЙ ҳудуддаги 18-сонли болалар муқома ва сайёҳлик мақсадли бизнесини жорий таъмирлаш	2022й	Объект					19,500			19,500		Объект						Тошкент шаҳар (Ташкент) шаҳарлик раёони бўйича бизнесни рақамчи ва сайёҳлик мақсадли бизнесини жорий таъмирлаш
35	Тошкент шаҳар, Яқобсарой тумани, "Хамид Сулаймонов" МФЙ ҳудуддаги 25-сонли маҳсул мақсадли бизнесини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					148,000			148,000		Объект						Тошкент шаҳар
36	Тошкент шаҳар, Яқобсарой тумани, "Хамид Сулаймонов" МФЙ ҳудуддаги 118-сонли мақсадли бизнесини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					300,000			300,000		Объект						Тошкент шаҳар
37	Тошкент шаҳар, Яқобсарой тумани, "Хамид Сулаймонов" МФЙ ҳудуддаги 1-сонли болалар ва ўқувчилар спорт мақсадли варақли "Халаларгон" суғ улжасини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					74,000			74,000		Объект						Тошкент шаҳар
38	Тошкент шаҳар, Яқобсарой тумани, "Хамид Сулаймонов" МФЙ ҳудуддаги 160-сонли кўчмақсадли Давлат умумтаълим мақсадли бизнесини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					320,000			320,000		Объект						Тошкент шаҳар
39	Тошкент шаҳар, Яқобсарой тумани, "Рақатбоши" МФЙ ҳудуддаги 57-сонли оқаллий полилиника бизнесини жорий таъмирлаш	2022й	Объект					76,000			76,000		Объект						Тошкент шаҳар
40	Тошкент шаҳар, Яқобсарой тумани, "Рақатбоши" МФЙ ҳудуддаги санитария-гигиена оқаллий полилиника ва кўчмақсадли хўжалиқ Яқобсарой тумани бўлиминини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект					388,000			388,000		Объект						Тошкент шаҳар
41	Тошкент шаҳар, Яқобсарой тумани, "Жарбўши" МФЙ ҳудуддаги янги оқаллий полилиника бизнесини жорий таъмирлаш	2022й	Объект					117,500			117,500		Объект						Тошкент шаҳар
42	Тошкент шаҳар, Яқобсарой тумани, "Нўра" МФЙ ҳудуддаги 36-сонли мақсадли янги бизнесини жорий таъмирлаш	2022й	Объект					509,259			509,259		Объект						Тошкент шаҳар

1	Объектлар номи ва мақсад	Курсия боғдониш ва фонддан ишти топшириш йили	Лўйла қуваги	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосидан) жумладан, бунёдкорлик, боғи, харажатлари.	01.01.22 й. ҳолатига Индан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, бунёдкорлик, боғи, харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига Индан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, бунёдкорлик, боғи, харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига Индан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, бунёдкорлик, боғи, харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига Индан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, бунёдкорлик, боғи, харажатлари	2022 йилда фойдаланишга топширилганлик	2022 йил учун қилган қўйималар лимити	Жами қилган қўйималар	Курсия - Жами мотаж ишлари	Жами	Бунёдкорлик боғи харажатлари	Жумдан, саватли харажатлари	Қулай/оғдат	Асосий фонд суммаси	01.01.23 й. ҳолатига Индан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, бунёдкорлик, боғи, харажатлари	Экспертиза тўғрисида рақами ва саватли	Тексиз (спонсорлар бўлиши боғида) рақами ва саватли	Ташкилот номи
43	Тошкент шаҳар, Янгиқўрғон тумани, "Жарбоник" МФЙ ҳудудда 120 Уриниш МТТ йилги бизнесини қўриш	2022й	Объект						Объект	145,647	145,647										Тексиз



*(Handwritten signature)*